

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ҚОНУНЧИЛИК  
НОРМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР АЙРИМ  
МУЛОҲАЗАЛАР****Дж.Х. Юлдашев**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси

Маъмурий ҳуқуқ кафедраси бошлиғи,

юридик фанлар доктори, доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7541112>

Бугунги кунда йўл-транспорт ҳодисалари сабабли вафот этаётган ва тан жароҳати олаётган шахслар, айниқса ёшлар ва болалар ўлимнинг юқорилиги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш заруратини кун тартибидаги энг муҳим масалалардан бирига айлантirmoқда. Бу жараёнда жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ҳамда жазо чораларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш мазкур турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси муҳим ўрин тутди.

Ҳозирда кунда ҳайдовчилар томонидан турли маст қилувчи, гангитувчи дори воситаларини истеъмол қилган ҳолда транспорт воситаларини бошқариш ҳолатлари кўпайиб бормoқда. Амалиётда ушбу турдаги қоидабузарлик ҳолати аниқланган ҳолда содир этилган ҳуқуқбузарлик учун чора кўришнинг аниқ ҳуқуқий механизмларинг белгиланмаганлиги (ҳуқуқий асоси йўқлиги сабабли), фуқаролар томонидан эътироз ва шикоятлар билдирилишига сабаб бўлмоқда.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 131-моддасида транспорт воситаларини алкогольли ичимликдан, гиёванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариш тегишли жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган бўлиб, қонун нормасида “ўзгача тарздаги маслик” тушунчасининг мазмунига изоҳ берилмаган.

Бугунги кун амалиётида шахснинг алкогольли мастлик ёки гиёҳвандлик воситалари таъсирида эканлигини аниқлаш ва тегишли таъсир чораларини қўллаш имкони мавжуд бўлса-да, гиёҳвандлик воситаларининг аналоглари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остидалик ҳолатини ҳуқуқий баҳолаш турли муаммоларни юзага келтирмоқда. Сабаби, юқоридаги қонун нормаси ушбу масалаларни тўлиқ қамраб олмаган.

Шунингдек, маълумки маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган орган (мансабдор шахс) содир этилган қилмишда жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлигини аниқлаши шарт ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 32-моддаси куйидаги маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар назарда тутилган:

1) ғайриҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатиш ваколати бор шахслар томонидан қўйилган талабга қарамай, бундай ҳаракатларни давом эттириш;

2) маъмурий жазо чорасига тортилган шахснинг бир йил мобайнида яна ўша хилдаги ҳуқуқбузарликни содир этиши, худди шунингдек ҳуқуқбузарликнинг илгари судланган шахс томонидан содир этилиши;

3) вояга етмаган шахсни ҳуқуқбузарликка тортиш;

4) ҳуқуқбузарликнинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши;

5) ҳуқуқбузарликнинг табиий офат шароитида ёки бошқа фавқулодда ҳолатларда содир этилиши;

6) ҳуқуқбузарликнинг маст ҳолда содир этилиши. Маъмурий жазо чорасини қўлланувчи орган (мансабдор шахс) содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг хусусиятига қараб мазкур ҳолатни айбни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги мумкин.

Мазкур ҳолатлар таҳлилидан ҳам кўришиб турибдики, ҳуқуқбузарликнинг маст ҳолда содир этилиши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат эканлиги қайд этилган ҳолда, масликнинг тури (алкоголли ёки бошқа моддалар таъсирида) ҳақида изоҳ келтирилмаган. Бу ҳолатда ҳам, гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсирида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб тан олинди (олинмаслик) баҳсли масала бўлиб қолмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб фикримизча, Ўзбекистон Республикаси МЖТКга тегишли ўзгартишлар киритиш асосида қуйидагича баён этиш лозим бўлади:

1) 32-модданинг биринчи қисми еттинчи хатбошисини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

“6) ҳуқуқбузарликнинг алкоголли мастлик ҳолатида ёки гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида содир этилиши. Маъмурий жазо чорасини қўлланувчи орган (мансабдор шахс) содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг хусусиятига қараб мазкур ҳолатни айбни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги мумкин”.

2) 32-моддани қуйидаги таҳрирда баён этиш:

“131-модда. Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш

Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкоголли ичимликдан маст ҳолда ёки гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқариши  транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан уч йил муддатга маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса,  базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Алкоголли ичимликдан маст ҳолда ёки гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остидаги шахсга транспорт воситасини бошқаришни топшириш  транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан уч йил муддатга маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш амалиётида номаълум шахслар томонидан йўл-транспорт ҳодисалари содир этилиб, ҳайдовчиларнинг ҳодиса жойидан яшириниши оқибатида ҳужжатлар тўпламини ҳуқуқбузар топилгунга қадар юритиш

жараёнида ҳам турли муаммолар кузатилади. Жумладан, улардан бири юқоридаги каби ҳолатларда маъмурий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетиши бўлиб, ушбу ҳолат ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқарраллигини таъминлаш имконини бермайди.

Қоидага кўра (МЖтКнинг 36-моддаси), маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлсаю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида, агар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддатлар ўтмаган бўлса, қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Юқоридаги ҳолатлар натижасида тўхтатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш терговга қадар текширув органлари томонидан қайта тикланган ҳолларда маъмурий жазо чораси қачон ва қай тартибда қўлланилиши мумкинлиги ҳал этиб берилмаган.

Натижада маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш муддатлари ўтиб, жабрланувчиларнинг эътирозлари ва шикоятлари кўпайиб бормоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг маълумотларига кўра, 2019 йилда 1097 та, 2020 йилда 1093 та, 2021 йилда 1 797 таси маъмурий тартибдаги йўл-транспорт ҳодисалари бўйича ҳайдовчилар ҳодиса жойидан кетиб қолган. Мазкур ҳолатлар натижасида 2019 йилда 7 1097 та, 2020 йилда 7 1093 та, 2021 йилда 7 1099 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳужжатлари тўхтатилган.

Бу каби салбий ҳолатларни олдини олиш, содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолати учун жазо муқарраллигини таъминлаш ва жабрланувчиларни эътирозларини олдини олиш мақсадида МЖтКнинг 36-моддасини қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдириш, учинчи қисмни эса, тўртинчи қисм деб ҳисоблаш таклиф этилади:

“Тўхтатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш терговга қадар текширув органлари томонидан қайта тикланган ҳолларда маъмурий жазо чораси шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин”.

Айрим МДХ давлатлари тажрибаси таҳлили ҳам ушбу таклифнинг асосли эканлигини тасдиқлайди. Хусусан, Россия Федерацияси (191-моддаси), Қирғизистон (5481-моддаси) ва Тожикистон (134-моддаси) республикалари маъмурий қонунчилигида бундай ҳолатлар белгиланган.